
Бугун, 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Боз Ассамблеясининг 1993 йил 20 декабрдаги резолюциясига кўра, 1994 йилдан бошлаб ҳар йили 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни сифатида нишонланиб келинади.

Матбуот эркинлиги - сўз, шахс, виждан эркинлиги сингари сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, матбуотнинг эркин фаолият кўрсатишини, кишиларнинг матбуотда ўз фикр ва туйғуларини тўсиқларсиз ифода эта олишини ифодалайди.

Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиқлик ва ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга эътибор тобора ошмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги юртимиздаги барча матбуот ва ОАВ вакиллари, журналист ва блогерларни бугунги байрам билан самимий муборакбод этади.

2023-05-03 11:02:37